

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кредит-иқтисод” факультети
декани и.ф.н., доц.

Н.Н. Обломуратов _____
“ ____ ” _____ 2016 й.

“БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

АХАТОВ АСҚАР АХАТ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР
ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

5230700 – “Банк иши” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Кат. ўқит. Т. Болтаев _____
“ ____ ” _____ 2016 й.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудити”
кафедраси мудири

и.ф.н., доц. З. Умаров _____
“ ____ ” _____ 2016 й.

Тошкент - 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

**I БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

1.1 Тўлов тизими ва унда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўрни

1.2 Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НАҚД
ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИНГ
АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

2.1 Ўзбекистон тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

2.2 Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг амалий ҳолати таҳлили

2.3 Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда пластик карточкаларнинг қўлланилишини амалдаги ҳолати таҳлили

**III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НАҚД
ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛ-
ЛАШТИРИШ**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўткази олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислоҳотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда бўладиган пул айланишини 80-90 фоизи нақдсиз пул айланишини ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилиши кўп тармоқли банк тизимининг ривожланишига давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганишга ва уни тартибга солишга, мулкчилик шаклларининг кўпайишига ва турли мулкчилик муносабатларини кенгайтиб боришига асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайтиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Шундай қилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш муҳим масалалардан бири бўлиб мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади– тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон тўлов тизими ва унда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўрни;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар моҳияти ва турларини тавсифлаш;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиниши ва унинг ҳуқуқий асосларини ёритиш.
- Тўлов обороти ва унда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини баён қилиш;
- Ўзбекистон хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги тўловларда қўлланиладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳар бир шакли бўйича амалга ошириш тартибини ва ҳисобини умумий тавсифлаш;
- Ўзбекистонда электрон тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти ва улардаги муаммоларни кўрсатиш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишидан ҳозирги кунда тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш, ҳисобини юритиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида, шунингдек иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида пул, кредит ва банклар, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва банк иши фанларида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби ва хажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

I БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тўлов тизими ва унда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолияти жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар, жумладан, пенсия фонди, суғурта фонди, солиқ идоралари, банк муассасалари билан бўладиган пулли муносабатлар ҳамда банклараро тўловлар вужудга келади.

Республикамиз банклари ўртасидаги банклараро тўловларни ўтказиш тартиби бир неча марта ўзгартирилган.

Ўтган аср 80-йилларининг охири 90-йилларнинг бошларигача барча банклар давлат мулки бўлиб бир поғонали банк тизими мавжуд эди. Банклараро тўловларни олиб бориш бевосита тўғридан-тўғри бир банкдан иккинчи банкка тўлов ҳужжатларини жўнатиш орқали олиб борилади. Ҳужжатларни жўнатиш почта ёки телеграф орқали амалга оширилар эди. Бунинг учун бошқа банкка жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатлар асосида «авизо», яъни огоҳнома тузилиб керакли банкка жўнатилар эди.

90-йилларнинг бошларидан банклараро тўловларни ташкил этиш учун ҳисоб марказлари бир йил ўтгандан сўнг уларнинг ўрнида клиринг марказлари ташкил этилди. Лекин уларнинг номи ўзгаргани билан функциялари бир хил эди, яъни улар банклар ўртасидаги тўловларни ташкил қилар эдилар. Бир шаҳардаги тўловларни олиб бориш учун 871-ҳисоб рақами (Бир шаҳар ичидаги банклараро ўзаро ҳисоб-китоблар) дан фойдаланилар

эди. Турли шаҳарларда жойлашган банклар бир-бирларига вакиллик ҳисобварағи очиб ўзаро муносабатлари шу ҳисоб варақалари орқали олиб борилар эди.

1995 йилда Марказий банк томонидан ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча ҳудудий марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Клиринг марказлари тугатилди. Почта орқали жўнатиладиган оғохномалар ҳам бекор қилинди. Янги ҳисоб-китоб тизими «электрон почта» тўлов тизими жорий этилди.

Республикада тўлов тизими йил сайин такомиллашиб бормоқда. Бу эса банклараро тўловларни ўтказиш технологияларига қатор ўзгаришларни киритилишни тақозо қилмоқда. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳам мазмунан, ҳам сифат жиқатидан аввалги йилларига нисбатан ўзгармоқда.

Собиқ иттифоқ давлатлари орасида энг самарали ва жаҳон талаблари даражасида деб ҳисобланган республика тўлов тизимининг ривожланиши тўрт босқичга бўлинади:

1-босқич. 1991-1994 йиллар.

Вилоятлар ичида ҳисоб-китоблар почта ва ташувчилар орқали ягона ҳисоблаш марказида амалга оширилди. Бу жараён бир ҳафтани ташкил этар эди. Вилоятлараро ҳисоб-китоблар ҳам почта орқали авизо ҳужжатлари асосида амалга оширилган. Бунда маблағлар бир миқдорнинг ҳисобварағидан иккинчи миқдорнинг ҳисобварағига бир ойдан икки ойгача бўлган муддат мобайнида келиб тушар эди.

Марказий банк Бош ахборотлаштириш марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усули яратиш устида ишланди. Шунингдек банк амалий иш кунини компьютерлар воситасида бажариш амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди.

1992 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунини бажариш юзасидан Марказий банкда ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ахборотлаштириш бошқармаси ва бўлимлари ташкил этилди. Банклараро махсус ажратилган

алоқа каналлари вазифасида электрон тўлов тизимини ишга тушириш борасида иш олиб борилди. Республика банк тизимини ахборотлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Собиқ Иттифоқ республикалари билан ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва уларга хизмат кўрсатиш амалий дастури яратилди. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари тўлиқ компьютерлаштирилди. Яъни бир пайтда республика электрон тўлов тизимини замини яратила бошланди. 1993 йилнинг декабр ойидан бошлаб жуда қисқа муддат уч ой мобайнида Собиқ Иттифоқ республикалари билан 1991, 1992 ҳамда 1993 йиллардаги йиғилиб қолган ўзаро ҳисоб-китоблар, қарзлар ҳисоблаб чиқилди ва 1994 йилнинг март ойига келиб бу борада аниқ маълумотларга эга бўлинди. 1994 йил 18 март куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли “Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Марказий банк тизимида электрон почталарни жорий этишни октябрга қадар тугаллаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Қарорда республика банк компьютер тизимини яратиш учун зарур валюта маблағларини ажратиш ҳам кўрсатилди.

13 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Унга асосан банклар қатор солиқлардан озод қилинди ва бўшаган маблағларни ўз фаолиятини компьютерлаштиришга сарфлаш шарт қилиб кўйилди. Мазкур Қарорларга биноан тижорат банкларининг бўлимлари компьютерлаштирила бошланди ва улар электрон тўлов тизимига кўшиб борилди.

Август ойи охирига келиб мустақилликнинг уч йиллиги шарафига электрон тўловлар вақтинчалик Низоми яратилди.

Октябр ойидан бошлаб эса электрон почта республика банк тизимида ишга туширилди.

Республика банк тизимида бухгалтерия ҳисоб-китобларни ва банк амалий иш кунини умумий бир кўринишга келтириш учун зарур ишлар амалга оширилди.

Марказий банк қилинган бу ишлар билан чекланиб қолмасдан ўзининг мутахассислари кучи билан электрон тўлов тизими амалий дастурини республика миқёсида тадбиқ этиш устида ҳам тинимсиз иш олиб борди ва 1995 йил учун замин яратди.

2-босқич. 1995-1997 йиллар

Апрел ойида Марказий банк Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси банклараро тўлов тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳалқаро танлов тендер эълон қилди.

Марказий банкда ташкил этилган электрон тўлов тизимини яратиш ишчи гуруҳи ўтган йиллардан олинган тажрибалар ва хулосалар, шунингдек жаҳоннинг илғор давлатлари ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида электрон тўлов тизими технологиясини яратдилар. Эски тизим 19 августдан бошлаб янги технология билан алмаштирила бошланди. Бу пайтга келиб Марказий банк тизимида ҳисоб-китоб марказлари ташкил этилди ва тижорат банкларига электрон тўлов бўйича хизмат кўрсатила бошланди. Янги технологияга ўтила бориши сабабли йилнинг охиригача республикада 2 тизим: электрон почта ва электрон тўлов тизимлари ишлаб турди. Йил охирига келиб эса барча тижорат банклари Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказлари, клиринг марказлари электрон тўлов тизимига қўшилди.

Янги ташкил этилган ҳисоб-китоб марказлари тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларини клиринг марказларидан ўзларига ўткази бошладилар. Июл ойига келиб клиринг марказлари бутундай қисқартирилди. Шу билан бир қаторда Марказий банк Бош ахборотлаштириш маркази мутахассислари ва банк ходимлари тўловларнинг ўтиши муддатини янада қисқартиришни таъминлаш борасида тинмай изланиш олиб бордилар. Бунинг натижаси ўлароқ, йил охирига келиб тўловлар ўтиши муддати республика миқёсида 2 соат, вилоят миқёсида 1 соатни ташкил этди.

Республика банк тизимида янги ҳисоб тизими режасига ўтилиши тижорат банклари ва Марказий банк тўлов тизими туб бурилиш ясади. Электрон тўлов тизимининг мавжуд амалий дастури ривожлантирилиб, тизимнинг катта ўтказиш қобилияти ва ҳужжатларнинг юқори тезликда қайта ишланиши (ҳудудлараро ҳисоб-китоблар - 15 дақиқада, битта ҳудуд ичидаги ҳисоб-китоблар эса – 3-5 дақиқада) пул маблағлари айланишини жиддий оширди. Бу эса республика хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этди, банкларга вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиш ва кредит хавф-хатари даражасини ҳамда ликвидлилик хавф-хатарини тезкорликда бошқариш имконини берди.

3-босқич. 1998 -2001 йиллар

Марказий банк билан Жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабр ойида “Республика молия соҳасини ривожлантириш” учун заём ажратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу лойиҳа беш компонентга бўлиниб, шулардан тўртинчи компонент ўз ичига қуйидаги масалаларни олади:

тўлов тизимини такомиллаштириш;

бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;

банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;

ахборот тизими муҳофазасини яратиш.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича тадбирларни ниҳоясига етказиш 2003 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир масала бўйича ривожланиш йўллари тижорат банклари билан биргаликда аниқланди ва чет эл экспертларининг хулосалари олинди.

4-босқич. 2002 йилдан ҳозирги кунгача

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича технология танланиб, ушбу бўйича техник топшириқ, ишлаб чиқилди ва банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш ҳамда банкларда ахборотлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича дастур яратилди. Тижорат банкларининг банклараро тўловларни ягона вакиллик

ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизимига ўтиши 2002 йилнинг июн ойидан бошланди.

Тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро тендер ўтказилиб, тендер ғолиби билан мавжуд банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси бўйича шартнома тузилди.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш мақсадида тўловларни амалга оширадиган миллий тизим яратиш концепцияси тавсияномалар ва схемалар ишлаб чиқилди. Республикамизда мавжуд йирик банклар, хусусан ТИФ Миллий банк, Асака банк, Саноатқурилиш банки, Халқ банки ва Пахта банкларида пластик карточкалар орқали тўловларни ташкил қилиш йўлга қўйилди.

Тижорат банкларини банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизими 2003 йил 8 сентябрда тўлиқ ишга туширилди ва барча банкларда марказлаштирилган ахборот тизими ташкил этилди. Бу банкларга кундалик тўловлар ўтказиш учун банд бўлган маблағларни бир қисмини бўшашига ва уларни ўринли активларга жойлаштиришга, банк ўз филиалларини мавқеини таҳлил қилиб керакли чора кўришга, банкнинг кунлик ягона баланси унинг ликвидлигини, таваккалчиликларини, мажбуриятларни, ўз капиталини аниқ ифода этишга имкон беради.

Шунингдек, Жаҳон банки кредити ҳисобига тузилган шартномага асосан Банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бажарилаяпти, шунингдек, республика молия тузилмаларини банклараро маълумот узатиш тармоғига улаш ва ўзаро маълумот алмашинувининг электрон тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445–сонли Қарори билан ушбу тизимни кенгайтириш борасидаги илк режа

кўрсаткичлари, шунингдек тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланадиган объектлар рўйхати тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, мазкур қарорга мувофиқ мамлакатда Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Мазкур қарорга мувофиқ, барча тижорат банклари пластик карточкалар тизимида иш олиб борилишига замин яратилди.

Барча тижорат банкларида (ДТ Халқ банкидан ташқари) ягона баланс тизимини жорий этилди. Давлат тижорат Халқ банкида ягона баланс технологиясига асосланган тизимни жорий этиш ишлари босқичма-босқич олиб борилиб, 2008 йил 24 ноябрида тўлиқ ишга туширилди. Бундан ташқари, Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) 2009 йил май ойида яратилиб, унда тижорат банклари томонидан 58 та талабнома асосида Марказий банкнинг маълумотлар омборхонасида маълумотларни жамлаш, назорат қилиш, ҳисобини юритиш, қайта ишлаш, шакллантириш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда ИАТТ таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими, Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими, Ягона вакиллик ҳисобварақлар ҳисоб-китоб маркази, Электрон ҳужжат айланиши тизими, банк тизими маълумотлар базалари киритилган ва маълумотлар омборхонаси ташкил этилган бўлиб, айти пайтда мазкур тизимларни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори билан республика “Электрон ҳукумат” тизимининг комплекс ахборот тизимлари таркибига Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, мазкур Клиринг тизими амалиётга татбиқ этилди.

Ушбу тизимни яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат. Шунингдек, мазкур тизим миждозларга куну-тун банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш ва банк инфокиосклари орқали ишлаш имкониятини берди.

Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, шунингдек, “Ўзбекэнерго” ДАК ҳамда “Ўзтрансгаз” АКнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда электр энергияси ва газ истеъмоли тўловларини реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, “Ўзкарт” банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини тартибга солиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш Бош марказида “Банклараро универсал неттинг ахборот тизими” дастурий мажмуаси ишга туширилиши муносабати билан “Ўзкарт” тизимида Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказига ўтказилади. Бунда ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилиб, тизим харажатларини камайишига олиб келади ва тижорат банклари ўз маблағларидан самарали фойдаланишларига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизими ПҚ-1989-сонли қарори билан белгиланган муддатларда ишга туширилган бўлиб, ҳозирги вақтда банк тизими томонидан

ушбу ахборот тизимини такомиллаштириш ва жорий қилиш доирасини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда ривожланаётган турли мулкчилик шаклларига асосланган товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг мавжудлигидир. Товар муомаласи мавжуд экан, у ўз навбатида корхона ва ташкилотлар ўртасида пулли муносабатларни яъни ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради. Товар муомаласи ва товар айирбошлаш жараёни доимо пул ҳаракатини тақозо этади. Товар обороти пул оборотининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин пул оборотининг ҳажми товар оборотининг ҳажмидан доимо катта бўлади, чунки пул обороти ўз ичига товар айирбошлашдан ташқари бошқа муносабатларни ҳам олади.

Тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти пулли муносабатларда пул формаларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулига кўра иккига бўлинади:

1. Нақд пулли тўлов обороти;
2. Нақд пулсиз тўлов обороти.


Буни ушбу схемада яққол кўриш мумкин:



1-расм. Тўлов оборотининг таркибий тузилиши¹.

¹ Наврўзова К.,Ортиқов О.Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.2005й. адабиёти асосида ишлаб чиқилган

Тўлов оборотининг асосий қисми нақд пулсиз тўлов оборотидан ташкил топади. Бу тўлов обороти нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни пул маблағларини нақд пул ишлатмасдан бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақга ўтказиш орқали бажарилиши тушунилади. Иқтисодиёт ривожланиб борган сари тўлов оборотида нақд пулсиз тўлов оборотининг улуши ортиб боради. Чунки иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар нақдсиз тўлов оборотининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.



2-расм. Тўлов оборотида пулнинг харакати².

Миллий иқтисодиёт пул айланишининг 80-90 фоизини нақд пул ишлатмасдан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришига кўра икки қисмга бўлинади:

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

² Наврўзова К., Ортиқов О. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.2005й

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал курилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради. Иккинчи, молиявий мажбуриятлар, гуруҳига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, кўшилган қиймат солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларини қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 12 январь Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низом “Фуқаролик кодекси”, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қуйидаги шаклларда ташкил этадилар ва амалга оширадилар:

- 1) тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар;
- 3) инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- 4) чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Кўрсатилган шакллар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- 1) мемориал ордер;
- 2) тўлов топшириқномаси;
- 3) тўлов талабномаси;
- 4) инкассо топшириқномаси;
- 5) аккредитивга ариза;
- 6) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалар фойдаланган ҳолда, амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири нотўловлар муаммосини ечишдир. Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банклараро тўловлар самарадорлигини ошириш нафақат банк ўз фаолиятини юритишда, балки макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичларнинг ҳолатига, уларнинг динамикасига таъсир кўрсатади, иқтисодиётдаги тўлов тизимини яхшилашга ёрдам беради

1.2. Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек тизим аҳамиятидаги тўлов тизимларини тузишнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларига асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида банклараро электрон тўловларни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу тартиб нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига тадбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қўйидаги шаклларда ташкил этадилар ва амалга оширадилар:

- 1) мемориал ордер;
- 2) тўлов топшириқномаси;
- 3) тўлов талабномаси;
- 4) инкассо топшириқномаси;
- 5) аккредитивга ариза;
- 6) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки;
- 7) пластик карточкалар.

Тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли мустақил равишда шартнома (битим)га мувофиқ белгиланади.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк пул маблағларини, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, миждознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши ёки унинг ҳисобварағидан ўтказиб бериши шарт.

Тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушган тақдирда, банк тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

Ҳисоб-китоблар бўйича тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги ўзаро даъволар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади. Банкларда ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат айланмаси “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали

электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом га мувофиқ, ташкил қилинади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банкдаги ҳисоб рақамлар орқали банк ичида, бош банкда очилган филиалларнинг транзит ҳисоб-рақамлари ҳамда банклараро ўрнатилган вакиллик муносабатлари асосида амал қилади.

Банклараро тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;

б) узатилаётган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;

в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

а) электрон тўлов ҳужжатини бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;

б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;

в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;

г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;

д) банкларнинг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказидаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;

е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;

ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;

з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан электрон тўлов ҳужжатитасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб

олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг яқунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида яқунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) электрон тўлов ҳужжатини алмашувини қабул қилиш – назорат – узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;


л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги.

Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг ҳисоб китоб марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг Марказий Банк ҳисоб китоб маркази билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса – Ахборотлаштириш Бош маркази билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади. Банклараро тўловларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти назорат қилади.

Банкнинг ички тўлов тизимини ташкил қилиш “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Чакана тўловлар тизимларини ташкил қилувчи, бошқа тўлов ташкилотлари-резидентлар қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтишлари керак.



3-расм. Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиши³.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Ҳозирги кунда республикада банк тизими ўз ичига бир неча турдаги банкларни олади. Булар акциядор, хусусий, қўшма, ипотека ва давлат банкларидир. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Бу тижорат банкларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга хизмат кўсатади. Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларининг 4 295 та мини-банк ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2 221 таси қишлоқ жойлардаги аҳоли ва фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банклар томонидан халқ хўжалигига хизмат кўрсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади. Банклараро муносабатлар банклараро тўловлар орқали олиб борилади. Банклараро тўловларнинг мазмуни шундан иборатки, бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг талаб қилувчига сақланадиган ҳисобварағидан бошқа ҳисоб варағига ҳужжатда кўрсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали ўтказилади.

Банклараро тўлов тизимининг ривожланиши бу тизимдаги операцияларни ривожланишига олиб келди. 2016 йилга келиб пул ўтказиш бўйича транзакциялар сони 65,0 млн.донага етди, суммаси эса 673,0 трлн.сўмни ташкил қилди.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони



4-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони⁴

Ушбу расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2016 йилда 65096 минг донани ташкил этиб 2003 йилга нисбатан 3 бараварга ошган. Тўлов тизими орқали ўтказиладиган транзакциялар ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Шунингдек, ушбу транзакциялар бўйича ўтказилган сумма 2012 йилда 744195 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ўртача хар бир транзакциянинг суммаси 15290 минг сўмни ташкил этган. 2003 йилда хар бир транзакциянинг суммаси 16410 минг сўмни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида амалга оширилган транзакциялар суммаси сезиларли равишда ўсиб борган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси



5-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси⁵

Барча ҳисоб китоблар банклар орқали ўтказилади. Пул ўтказувчи ва пул олувчи томонлар бир банкнинг мижозлари бўлиб, улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бир банкда бошланиб шу банкнинг ўзида яқунланади, яъни бир корхона ҳисобварағидан пул маблағлари суммаси камайиб ушбу сумма иккинчи корхона ҳисобварағига ўтказиб қўйилади. ҳисоб китоблар кўпинча бир банкдан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Бу ҳолларда ҳисоб китоблар бир банк тизими ичида бўлиши мумкин, масалан, фақат Агробанк ичида. Бундай ҳолда Агробанкнинг бирор филиали ушбу банкнинг бошқа филиали билан ҳисоб-китобларни ўтказиши мумкин. Шу билан бирга турли банклар ўртасида ҳам ҳисоб-китоблар юзага келиши мумкин. Масалан, Агробанк билан Асака

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz


банк ўртасида банклараро ҳисоб китоблар ўтказилади. Бу ҳолда пул тўловчи корхона Агробанкнинг мижози бўлса, пул олувчи корхона эса Асака банкнинг мижози бўлади. Улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Агробанк ва Асака банк орқали амалага оширилади.

Шундай қилиб, барча ҳисоб-китобларни 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

1. Бир банк филиали ичидаги ҳисоб-китоблар
2. Бир банк ичидаги филиаллараро ҳисоб-китоблар
3. Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

1) Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси.

Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу банкнинг ўзида ўтказилади. Бу ҳолда банклараро ҳисоб-китоблар вужудга келмайди. Буни қуйидаги расм орқали яққолроқ кўриш мумкин.



6-расм. Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси⁶.

Тўловчи ва олувчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг, тўловчи ўз банкига топшириқнома топширади. Банк топшириқномага асосан тўловчининг ҳисобварағидан пулни ўтказди ва бу ҳақда сотувчи ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

тўловчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма беради. Сотувчи тўловчига мақсулот жўнатади. Шундай қилиб, ҳисоб-китоблар тез ва осон яқунланади.

2) Бир банка тегишли филиаллар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Бир банк филиаллари ўртасида ҳисоб-китоблар дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия проводкалари ёрдамида бажарилади. Пул маблағларини ўтказиш аввало тўловчи банк филиалида амалга оширилади. Бунда тўловчи корхона ҳисобварағидан маблағлар ҳисоб-китоб ҳужжатида кўрсатилган суммага камайтирилади. Ушбу банкдан пул маблағлари чиқиб кетаётганлиги сабабли банк филиалининг банклараро ҳисоб-китоблар ҳисобварағи ҳам камайтирилади. Бу операция куйидаги бухгалтерия проводка ёрдамида ифодаланади.

Дебет тўловчи миждознинг ҳисобварағи

Кредит 16103.

Бош банк ахборотни қабул қилиши билан дастурий йўл билан филиаллар ўртасида маблағларни ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаради, яъни бир банк филиалининг вакиллик ҳисобварағидан иккинчи банк филиалининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади. Бу операция куйидаги бухгалтерия проводкаси орқали бажарилади.

Дебет 22204 «А» филиали


Кредит 22204 «Б» филиали

Бу проводка иницатор банк ҳисобварағидаги пул маблағлар бенифицкор банкнинг ҳисобварағига ўтказилганини билдиради. Бенифицкор банк Бош банкдан ўзига тегишли бўлган пул маблағларини қабул қилганда дастурий йўл билан куйидаги бухгалтерия проводкасини бажаради.

Дебет 16103

Кредит 20200 Талаб қилингунга қадар саҳланадиган депозит ҳисобварақлар

Юқоридагиларни куйидаги схема орқали я..олроқ кўриш мумкин.



7-расм. Бир банкнинг турли филиаллар мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси⁷.

Тўловларни ўтказиш ва қайта ишлаш автоматик тарзда бажарилади. Бош банк филиалларнинг ҳисобварақларида пул маблағларининг етарлилигини назорат қилади, маблағлар етмаганда маблағ билан таъминлаш усуллари ишлаб чиқади

3) Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

Амалиётда кўп ҳолларда икки турли банкларнинг мижозлари бир - бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатадилар бу эса ушбу банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишда банк типи ва банк кодига алоҳида эътибор берилади.

Бош банк электрон тўловларни айта ишлаб ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бенифициор банкка жўнатади. Бош банкда бу операциялар дастурий йўл билан қуйидаги проводка билан ифодаланади.

Дебет 22204 Филиалларга, филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар

Кредит 10301 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи

Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда тўловни олувчи бош банкда дастурий йўл билан ушбу проводка бажарилади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

Дебет 10301

Кредит 22204


Филиаллар банклараро операциялар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда дастурий йўл билан мижознинг ҳисобварағига маблағни тушириш бўйича қуйидаги проводкани бажаради

Дебет 16103

Кредит мижознинг ҳисобварағи

Бош банкда клиринг натижалари бўйича яқунлаш операциялари автоматик тарзда ўтказилади. Ягона балансга ўтганда 16103 ва 22204 ҳисобварақлар ўзаро ёпилади.

Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳис об-китоб Бош банк маркази орқали бажарилади. Бу операцияларни қуйидаги схема орқали кўриш мумкин.



8-расм. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси ⁸.

Юқоридаги схемада турли банкларнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг 2 бош банк орқали ўтиши мужассамлашган турли банклар

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемада кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади.

Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти ҳисобланади.

Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида Марказий банк ҳисоб китоб марказига электрон тўлов ҳужжатларни узатишлари мумкин.

Жўнатишга мўлжалланган электрон тўлов ҳужжат назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича Марказий банк ҳисоб китоб марказига бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича электрон тўлов ҳужжатларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса – тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган электрон тўлов ҳужжатларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз деб топилган электрон тўлов ҳужжатлар тўғрисида хабарнома жўнатади.

Шундан кейин “Куннинг яқунланиши” босқичи амалга оширилади. Марказий банк ҳисоб китоб марказида қуйидагилар “Куннинг яқунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

а) банклардан электрон тўлов ҳужжатни қабул қилиш вақтининг тугаши;

б) Марказий банк ҳисоб китоб марказига узатилган барча электрон тўлов ҳужжат қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг яқунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

“Куннинг яқунланиши” босқичи чиқиш шакллари чиқариш, маълумотларни архивациялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан биргаликда боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро электрон тўлов ҳужжатларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари электрон тўлов ҳужжатга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Ушбу иш тартиби фавқулодда вазиятлар ҳолати содир бўлганда қўлланилмайди. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчиларининг иш тартиби Марказий банкнинг алоҳида меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

Банклар банк қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Киритилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда электрон тўлов ҳужжат шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг тўлов марказига узатилади.

Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг тўлов (ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган электрон тўлов ҳужжатларига асосан:

кредит операциялари бўйича:

Дебет 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

Кредит 10301 банкнинг ҳисобварағи;

дебет операциялари бўйича:

Дебет 10301 банкнинг ҳисобварағи;

Кредит 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган электрон тўлов ҳужжатга асосан:

кредит операциялари бўйича:

дебет 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази
ҳисобварағи;

кредит 11005;

дебет операциялари бўйича:

дебет 11005;

кредит 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази
ҳисобварағи;

Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка электрон тўлов ҳужжат келиб тушганда:

Кредит операциялари бўйича:

дебет 10301;

кредит 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

дебет операциялари бўйича:

дебет 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

кредит 10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида электрон тўлов ҳужжат келиб тушганда:

Кредит операциялари бўйича:

дебет 11005;

кредит 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази
ҳисобварағи;

дебет операциялари бўйича:

дебет 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази;

кредит 11005;

Бенефициар банкнинг Тўлов марказидан келиб тушган электрон тўлов ҳужжатлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг мижозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Агар мижознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 - “Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар” ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 - “Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар” ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак.

Ҳар бир электрон тўлов ҳужжат батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

электрон тўлов ҳужжатда биронта хато аниқланса, шунингдек, электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур электрон тўлов ҳужжат қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

Ҳар бир электрон тўлов ҳужжат қайта ишлаш жараёнида Марказий банк ҳисоб китоб марказида тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Шундай қилиб, банклараро тўловлар Марказий банк ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади. Ҳисоб-китоблар маркази - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик ҳисоб-китоб варақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро тўловларнинг узликсизлигини таъминлаш киради.

Ҳисоб-китоб марказлари маълумотларини қабул қилиш, назорат ва узатишнинг автоматлашган тартибига эга бўлган тўлов тизимининг ишончилиги ва ҳафсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги кунда бу марказлар электрон тўловлар тизими асосида банклараро тўловларини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқдлар.

2.2. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг амалий ҳолати таҳлили

Иқтисодиётда юзага келадиган пулли муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пулли айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолиги пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, су.урта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой урилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг кенг

ишлатилишига кўп тармоғли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиктисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш ну.таи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади.

Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир неча шаклларда олиб борилади ва бу шакллар вақт ўтиши билан ўзгариб бориши мумкин. ҳозирги кунда республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва ҳалқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда ташкил этилади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, пул маблағларининг мақсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварағига ёзиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури ва ҳужжатлар айланиши тартиби билан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

- мемориал ордер;
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- инкассо топшириқномаси;
- аккредитивга ариза;
- тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки.


Банклар мемориал ордерлардан фуқароларнинг, олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Тижорат банклари ўз операцион

харажатларини нақд пулсиз тартибда амалга ошираётганда мемориал ордер тузилади.

Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш (сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар миқдорларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан миқдор ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Тўлов топшириқномаси — миқдорнинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳужжатлар айланишини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин:



9-расм. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиши⁹.

Юқорида келтирилган расмга қуйидагича тавсиф берамиз:

1. Энг аввало мол жўнатувчи ва мол олувчи корхоналар ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

2. Шартномага асосан мол жўнатувчи корхона мол олувчи корхонага мақсулот жўнатади.

3. Мол олувчи корхона олган мақсулотга пул ўтказиш учун тўлов топшириқи расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширади.

4. Банк ходими томонидан тўлов топшириқи асосида мол олувчи корхона ҳисобварағидан пул чегирилади.

5. Ҳисоб-китоб маркази орқали электрон тўлов мол сотувчи корхона банкига жўнатилади.

6. Келиб тушган электрон тўлов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказилади.

7. Электрон тўлов топшириқининг бир нусхаси тўланган ҳужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

Ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 45-50 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғлиқдир.

Бу афзалликлар қуйидагилардан иборатдир:

-биринчидан, ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб- китобларни амалга оширишнинг техник жихатдан қулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

-иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;


-учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлган каби банкка раддия аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи туловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;

-тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда қўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг ахамиятини янада яққол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла қафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисоб варағидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланиши секинлаштиради ва мақсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Тўлов талабномаси — ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатидир.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар умумлашган ҳолда қандай амалга оширилишини тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиши схемаси орқали яққол кўриш мумкин.



10-расм. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиши ¹⁰.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

1. Мақсулот жўнатувчи корхона билан мақсулот олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

2. Мақсулот жўнатувчи корхона мақсулот олувчи корхонага товар жўнатади.

3. Мақсулот жўнатувчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар-транспорт хужжатларини тақдим қилади.

4. Мақсулот жўнатувчи корхона банки мақсулот олувчи корхона банкига почта ёки курьерлар орқали хужжатларни жўнатади.

5. Мақсулот олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун мақсулот олувчи корхонага беради.

6. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.

7. Мақсулот олувчи корхона банки талабномада кўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисоб варағидан чегириб, талабнома бўйича тўловни амалга оширади.

8. Мақсулот олувчи корхона банки ҳисоб Марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатади.

9. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани мақсулот сотувчи корхона банкига ўтказиши.

10. Мақсулот сотувчи корхона банки талабнома суммасини мақсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига ўтказиши.

11. Тўловнинг келиб тушганлигини ҳабар қилиш учун компьютерда чиқарилган электрон тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда мақсулот сотувчи корхонага топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларни афзалликлари куйидагилардан иборат:

1) Мақсулот сотувчи билан мақсулот олувчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга кулай.

2) Мақсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди.

3) Мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун мақсулот олувчининг маблағини алоҳида ҳисобварақда депонент қилиб кўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди.

4) Тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари .ай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

5) Мол олувчи ҳисоб варағидан акцептсиз талабномалар бўйича маблағларнинг мажбурий олинishi мақсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари куйидагилар:

1. Мақсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши кафолатланмайди.


2. Тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги.

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириқига нисбатан узо.роқ давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилиши кўп ҳолларда - 2-картотекадан ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларнинг кўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун келиб тушган вақтда тўловчининг ҳисобварағидан қар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмайди. Картотекага кўйилган қар бир тўлов талабномаси республика қал. хўжалиги дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари ўз мижозларининг картотекадаги ҳужжатлари ва

уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини назорат қилиб турадилар.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов оборотида жуда кам улушни ташкил этади. Аккредитив-мижознинг топшириқига кўра шартнома бўйича унинг контрогенти фойдасига берилаётган банкининг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк мақсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин. Аккредитив сўзининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «ишончли» деган маънони билдиради. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб операцияларни куйидаги схема орқали ифодалапмиз.



11-расм. Аккредитив орқали ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши ¹¹.

Расмга куйидагича тавсиф берамиз:

1. Мақсулот етказувчи ва мақсулот олувчи ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди

2. Мақсулот олувчи ўз банкига аккредитив очиш ҳақида ариза тақдим этади.

3. Мақсулот олувчи корхона банки аризага асосан мақсулот олувчи корхона ҳисоб варағидан тўлов ўтказди.

4. Аккредитив очиш ҳақида электрон ариза ҳисоб Марказига «Электрон почта» орқали ўтказилади.

5. ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали мақсулот олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағидан пул маблағларини мақсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағига пул ўтказди.

6. Келиб тушган маблағлар мижозларнинг аккредитивлар бўйича ҳисоб варағида депонентлаштирилади.

7. Аккредитив очилгани ҳақида мақсулот етказувчига хабар беради.

8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатади.

9. Мақсулот етказувчи мақсулот жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади.

10. Банк депонентланган суммани мақсулот ҳисоб варағига ўтказди ва аккредитивни ёпади.

11. Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги ҳақида эмитент банка хабар беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан биргаликда, бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, мақсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ қафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

-аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиқатдан бирмунча .ийинрок;

-транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишни кечикишига олиб келади;

-бу шаклда тўловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;

-аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

Корхоналар ўзларига қулай бўлган ҳисоб-китоб шаклини эркин танлайдилар ва уни ўзаро шартномада мустаҳкамлаб қўядилар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари юқорида айтиб ўтдик. Ҳозир уларнинг корхоналар ўртасида кенг тарқалган шакллари қўлланилиши таркибини таҳлил қиламиз.




12-расм. 2015 йил давомида амалга оширилган транзакциялар сони ва таркиби¹².

Ушбу расмдан кўришиб турибдики 2015 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари сони 65.0 млн.тани ташкил қилган бўлса энг катта улушга тўлов

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

топширикномаси 51,5 фоиз улушга, кредит мемориал ордер 43,8 фоиз улушга, инкассо топширикномаси 3,4 фоиз улушга, тўлов талабномаси 1,0 фоиз улушга ва бошқа тўлов хужжатлари 0,01 фоиз улушга эга.



13-расм. 2015 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари суммаси¹³

2015 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари суммасига эътибор берсак тизим бўйича жами 673017 млрд. сўм маблағ ўтказилган бўлсада асосий сумма 50,5 фоиз тўлов топширикномасига ва 45,7 фоиз кредит мемориал ордерга тўғри келмоқда.

Юқоридаги маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Марказий банк электрон тизимида фойдаланилаётган электрон тўлов хужжатлари таркибида тўлов топширикномаси ва кредит мемориал ордер асосий ўринни эгаллайди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари иқтисодиётнинг бошқа тизимларига нисбатан кучайтирилган назорат ва текширув объектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари ўз миқдорлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат корхоналари ва хусусий шахсларнинг манфаатлари ҳимояланиши учун жавоб беради. Шу сабабли давлат республика банк тизимининг барқарорлиги, бу барқарорлик ҳуқуқий таъминланиши ва унинг ривожланишидан манфаатдордир. Республика иқтисодиётида давлат асосий ислохотчи бўлса, банк тизимида эса бу вазифа Республика Марказий банкга юклатилган. «Марказий банк тўғрисида»ги қонунининг, 3-моддасида кўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири - республикада тўловларнинг самарали тизimini ташкил этиш ва таъминлашданиборатдир.

Марказий банк тежамкор тўловлар тизimini таъминлаш мақсадида миллий тўловлар тизимининг яқин келгусидаги истиқболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Тўловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир. Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқаролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб- китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг бир маромда қўлланилиши мамлакатнинг бутун иқтисодий маконида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши устидан назорат Низомда кўрсатиб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларнинг бажарилишини текширишдан бошланади. Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда саҳлангани учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги ҳисобварақлардан ўтказилади, бу эса, корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятининг банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади.

Республикада корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўловлари тўланиши мажбурийлиги, тўлов топшириқномаларида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби; аванс тўловининг миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди. Бундай Фармоннинг чиқарилишига асосий сабаб, хал. хўжалигида ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг мавжудлигидир. Ўзбекистонда ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, у айрим ҳолларда хўжаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг қисқаришига, ишчи-хизматчилар иш ҳақининг ўз вақтида беролмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кўпайиши иқтисодиётда ночор ва .оло. корхоналарнинг сонини ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бундай корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк рейтингини пасайтиради. ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири дебитор ва кредитор қарздорликлар занжирини ечишдир.

Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини тўғри ташкил этиш нафақат банк ўз фаолиятини юритишда, балки бутун хал. хўжалигидаги макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичларнинг ҳолатига,

уларнинг динамикасига таъсир кўрсатади, иқтисодиётдаги тўлов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш иқтисодиётнинг турли соқалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб шу билан бирга қал этилиши .ийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолади. Чунки товар жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келтириб чиқаради. Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса узайтирилган дебеторлик ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Нотўловлар муаммосини келтириб чиқарувчи кўплаб омилларни келтириш мумкинки, улар қаторига нарх сиёсати, солиқ сиёсати, нормадан орти. Бўлган инфляция даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзаро қарздорликларни келтирувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- 1.Иқтисодиётда тўлов воситаларининг етарли эмаслиги;
- 2.ҳисоб-китоблар учун энг қулай тўлов воситалари сифатида ҳозирги кунда амалиётда ишлатилаётганларига қўшимча равишда, мамлакатимизда айрим сабабларга кўра бекор қилинган чек ва векселларни ишлатилмаслиги;
- 3.Корхона айланма маблағларининг инфляция шароитида маълум миқдорда .адресизланиши.
- 4.Мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг мақсулоти доимо харидоргир бўлмаганлиги сабабидан сотишнинг .ийинлиги;
- 5.Маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- 6.Корхоналарни солиқ.а тортиш механизми камчиликлари мавжудлиги оқибатида айланма маблағларининг йўқотилиши.

Республикамизда ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан мана шу қарздорликлардир.

Умуман, ҳозирги кунда нотўловлар, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу муаммони бартараф этишнинг ягона йўли йўқ. Нотўловлар, яъни дебеторлик ва кредиторликни қарздорликнинг умуман йўқ қилиш мумкин бўлмай уларни камайтириш бўйича қар бир ҳолатда алоҳида йўлни танлаш нафақат алоҳида хўжаликлар, балки бутун иқтисодиёт учун фойдалидир.

2.3 Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда пластик карточкаларнинг қўлланилишини амалдаги ҳолати таҳлили

1995 йилда Ўзбекистонда илк мартаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 25 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда "UZKART" сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.


Ўзбекистонда ҳозирда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган. Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

Ўзбекистонда пластик карточка нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида оммабоп дастакка айланди. У нафақат нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга имкон беради, балки аҳоли учун харид

килинган товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда қўшимча қулайликлар ҳам яратади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам бир қатор афзалликлар берадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Албатта, янгиликни жорий этиш кўплаб саволларни туғдиради, бироқ моҳиятни тўғри тушуниш ва мазкур тўлов тизимини жорий этиш мақсадлари, шунингдек, уларнинг қулайликлари ва имтиёзларидан хабардор бўлиш, шубҳасиз, замонавий банк хизматлари ва маҳсулотларини илгари суришга имкон яратади.

Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкани оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисоб-китобларнинг барча афзалликларини англаб етадилар.



14-расм. Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони (1-январ ҳолатига)¹⁴

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 24 сентябрдан 445-сон билан қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 445-сонли қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб 2013 йил 1 январгача банк пластик карточкалари сони 9502626 тани ташкил қилди (8-расм). Агар ушбу кўрсаткич билан 2005 йил бошидаги ҳолатни таққосласак, 24 баробардан кўпга ошганлигини қайд этиш мумкин. Пластик карточкаларни муомалага чиқариш айниқса 2005 йилдан бошлаб кескин ошиб борганлигини кўрсак бўлади.

2000-2015 йиллар давомида Марказий банк ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Ягона умумреспублика процессинг маркази ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда ниҳоятда самарали тўлов тизимини шакллантириш ва унинг фаолият юритишига имкон яратдилар. Масалан, тижорат банклари томонидан пластик карточкаларни оммавий тарзда жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш бўйича иш бошланганлигини ҳисобга олиб, тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича хизматлар қийматини арзонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19-апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли, 2006 йил 3-августдаги 433-сонли қарорлари қабул қилиниши пластик карточкалар тизимига юртбошимиз томонидан катта эътибор берилганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, нафақат банк тизимига, балки савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам бир қатор имтиёзлар ва масъулият олиб келди.

Аҳолининг ишончи ва хабардор бўлишини ошириш учун банклараро тўлов тизими доирасида ягона «Uzkart» логотипи ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, у ўз навбатида функционал нуқтаи назардан олганда пластик карточка эгаларини мазкур белги ўрнатилган савдо-сервис корхонаси ушбу тўлов тизими карточкаларини тўловга қабул қилишидан хабардор қилиши

керак. Бундан ташқари, ҳар бир минтақада «ишонч телефонлари» орқали мижозларнинг аризаларини кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. Пластик карточкаларни тўловга қабул қилишдан бош тортиш, шунингдек, пластик карточкаларга хизмат кўрсатишнинг тасдиқланган ягона тарифларига риоя қилмаслик ҳоллари бўйича келиб тушадиган аризалар ва мурожаатлар ҳар бир идоранинг тезкор гуруҳи томонидан кўриб чиқилади. 2011-2015 йилларда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тармоғини қўшимча кенгайтиришнинг тасдиқланган прогноз параметрлари доирасида республиканинг барча минтақаларида тижорат банкларига маслаҳатлар бериш, шунингдек, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскаларни таъмирлаш хизматларини кўрсатадиган ихтисослашган сервис марказларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар соҳасидаги охири янгиликларни Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг www.uba.uz сайтидан ҳам билиш мумкин. Ушбу ресурс «Uzkart» ахборот-маълумот интернет-портали томонидан ташкил этилган ва мунтазам янгиланиб туради.

Шу билан бир қаторда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш учун масъул бўлган тижорат банклари ходимларининг малакасини ошириш учун мунтазам равишда қисқа муддатли ўқув курслари, шунингдек, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бир қатор олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда пластик карточкалардан фойдаланишда тақдим этилган имтиёзлар ва мавжуд афзалликларини тушунтириш мақсадида савдо-сервис корхоналари ва муассасалари раҳбарларининг иштирокида жойларда семинарлар ўтказиляпти. Масалан, умумтаълим мактаблари юқори синфлари, лицейлар, коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари дастлабки курсларининг талабалари, ўқувчиларнинг кенг доираси учун рус ва ўзбек тилларида пластик карточкалар ва савдо терминалларида фойдаланиш бўйича ўқув қўлланмаси, «Банк пластик карточкаси – замонавий ва қулай тўлов воситаси» рисоласи ва «Ўзбекистон Республикасида

тўловларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари тўплами» нашр этилди.

Товламачилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш борасида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва банк карталаридан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш чоғида хавфсизлик чораларини кўриш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини тушунтириш учун эса Марказий банк билан ҳамкорликда банкларнинг миждозлари ўртасида тарқатиш учун «Банк карталаридан хавфсиз фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Савдо-сервис корхоналари томонидан тўлов терминалларидан лозим даражада фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» йўриқномалари ишлаб чиқилди. Шубҳасиз, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ижтимоий йўналтирилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш соҳасидаги ижобий ютуқларини уларни мамлакат раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватлашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Молиявий бозорнинг пластик карточка сифатидаги мазкур сегментига давлатнинг алоҳида эътибори тўғрисида бир қатор қабул қилинган қарорлар гувоҳлик беради, улар локал тўлов тизими ташкил этилган пайтдан бошлаб унинг барча иштирокчиларига солиқ ва божхона имтиёзларини бериш йўли билан фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага киритилган, ушбу тизимни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётган сўнги ўзгартиришлар ҳақида гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорини таъкидлаш лозим. Мазкур қарорга кўра, тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази 2014 йил 1 январгача банкоматлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари, терминаллар, коммутация ускуналари ва бошқа ускуналар, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган

дастурий таъминот қисмида мол-мулк солиғини, шунингдек, улар импорти чоғида божхона тўловларидан озод қилинадилар.

2014 йил 1 январгача банкнинг микропроцессор пластик карточкаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам банк пластик карточкалари ва тўлов терминаллариини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё, сарфланадиган ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар импорти чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинади.

Мазкур қарор билан тўлов тизимининг бошқа иштирокчилари – савдо-сервис корхоналари учун ҳам бир қатор преференциялар берилганлиги ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Юридик шахслар – хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун фойда солиғининг амалдаги ставкалари, шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари пластик карточкалар кўлланган ҳолда тўланган, реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича 10 фоизга камайтирилиши белгиланган.


Бу борада шуни қўшимча қилиш муҳимки, тежалган маблағлар аҳоли – пластик карточкалар эгалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ҳам бошқа қўшимча қулайликларни яратишга имкон яратади. Масалан, ушбу маблағлар молиявий хизматлардан куну-тун ёки операцияларни ўтказиш учун банкларга келиш заруратисиз фойдаланиш имконини берадиган оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ахборот-маълумот терминаллари тармоғини яратишга йўналтирилади, шунингдек, маълумотлар марказлаштирилган базаси, биллинг маркази фаолиятини ташкил этиш ва амалдаги технологик платформани такомиллаштиришга йўналтирилади.

Тўлов тизимининг амалдаги дастурий платформасини модернизациялаш ва янада такомиллаштириш тўғрисида сўзлаганда, шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тижорат банклари ЯУПМ билан ҳамкорликда амалдаги технологик платформани халқаро EMV стандартларига мувофиқ модернизацияладилар. Шу сабабли, бугунги кунда такомиллаштирилган платформа, бундан ташқари, тизимга янги

функцияларни тезкор кўшиш ва банк ҳамда тўлов хизматларининг янги турларини жорий этиш учун катта имкониятлар очмоқда. Терминал ускуналарнинг янги турлари ва моделларини улаш, шунингдек, маълумотлар базасига кира оладиган шахслар доирасини чеклаш ҳисобига ахборотнинг химояланиш даражасини ошириш ва товламачилик ҳаракатлари хатарининг олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

EMV дастурий платформасининг амалдаги «Uzkart» тизимига бир маромда интеграцияланишининг яна бир афзаллиги нафақат банкларнинг пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича инфратузилмани барпо этишга йўналтирилган аввалги инвестицияларни сақлаб қолиш имконини берди, балки тўловларни пластик карточкаларни қўллаган ҳолда икки режимда ўтказиш: офф-лайн ҳамда он-лайн режимларида ишлайдиган пластик карточкаларни тўловга қабул қилиш имкониятини ҳам тақдим этди.

Нақд пулсиз тўловлар бозорига он-лайн карталарини ҳам жорий этилишини ҳисобга олиб, тижорат банклари «Uzkart EMV» дастурий маҳсулоти билан автоматлаштирилган банк тизимларини модернизацияладилар, шунингдек, «Uzkart» БТТ (Банклараро Тўлов Тизими) маълумотлар базасида тижорат банкларининг барча хизмат кўрсатувчи терминал тармоғини қайта рўйхатдан ўтказиш иши олиб бориляпти ва уларнинг, шу жумладан банкомат ва инфокиоскаларнинг дастурий таъминоти такомиллаштириляпти. «Uzkart» БТТ доирасида «SmartVista» EMV технологик платформасини жорий этиш эса «Uzkart» БТТ билан бирга интеграциялаш масаласини ҳал қилиш имконини берди. Энди тижорат банклари эмиссия қилаётган он-лайн режимида ишлайдиган янги намунадаги пластик карталарга мавжуд терминаллар орқали тўсиқларсиз хизмат кўрсатиляпти.



15-расм. Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллар сони (1 январ ҳолатига)¹⁵

Ҳозирги кунда 2016 йил 1 январ ҳолатига 183060 дона терминал ўрнатилган. 2005 йилда агар 11187 дона терминал ўрнатилган бўлса ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич деярли 15 бараварга кўпдир. Терминаллар айниқса 2010 йилда кескин равишда кўпайганлигини кўрсак бўлади.

Пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширувчи воситагина бўлиб қолмай, мамлакат иқтисодиётини ўсишига кўмаклашиш, молиявий тизимни мустаҳкамлаш, инфляциянинг олдини олиш, нақд пул муомаласининг банк орқали айланишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Банк пластик карточкаларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, карта эгаларига қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари ўз филиал тармоқларида банкоматларни ўрнатишни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.


Коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш пайтида терминал инфокиоск орқали маълумотлар ЯУПМдаги билинг тизимида электрон кўринишда келиб тушади. Бу маълумотларни махсус дастур билан қайта ишлангандан кейин хизмат кўрсатувчи банк ва ҳисоб банкига

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

юборилувчи тўлов реестрлари тузилади. Ўз навбатида хизмат кўрсатувчи банк бу реестр асосида коммунал ташкилотларга тўловларни амалга оширади.

Уяли алоқа хизматлари учун тўловларни терминал – инфокиоск орқали амалга ошириш пайтида электрон кўринишдаги маълумотлар ЯУПМ биллинг тизимига ва автоматик тартибда бу маълумотлар пайнет тизими орқали уяли алоқа компанияси тизимига тушади. Махсус дастур билан ишлаб чиқилгандан сўнг реестрлар тузилади ва алоқа тизими орқали хизмат кўрсатувчи банк ва ҳисоб банкига юборилади. Хизмат кўрсатувчи банк уяли алоқа тўловларини реестрларга кўра амалга оширади. Уяли алоқаси хизмати тўловлари “On-line” шаклида ишлайди.

ЯУПМ “TECHNOLOGY” МЧЖ - терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.



16-расм. Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони (2013 йил 1 январь ҳолатига).¹⁶

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

Расмда Ўзбекистон Республикаси бўйича тижорат банклари томонидан 2000 йилдан 2016 йилгача ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони тўғрисида маълумот берилган. 2000 йилда бор йўғи 98 та банкомат ўрнатилган бўлса 2016 йил 1 январ ҳолатига келиб жами 2345 дона банкомат ва инфокиоск ўрнатилган. Бу пластик карточкалар бозорида пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш хажмининг ошганлигидан далолат беради.

Маълумотларидан кўришиб турибдики мамлакатимиз бўйича жами 2345 дона банкомат ва инфокиоскалар ўрнатилган.

Банк миждози хизмат кўрсатувчи банкнинг савдо ташкилотида ҳаридни амалга оширмақчи бўлса, савдо ташкилоти бу банк БТТ «Ўзкарт» қатнашчиси эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Хизмат кўрсатувчи банк пластик карталар қабул қилиш инфраструктурасини қўллаб қувватланишини таъминлайди, буларга одатда банкоматлар, нақд пул берувчи бўлимлар, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари киради. Хизмат кўрсатувчи банк савдо ташкилотига ҳар қандай БТТ «Ўзкарт» қатнашчи банкининг картаси орқали амалга оширилган операциялар учун барча маблағларни қайтаришга қафолат бериб, савдо ташкилотларида пластик карта хизматини ташкиллаштириш учун улар билан шартномалар тузади. «Ўзкарт» тўлов тизими қафолати савдо ташкилотининг нақд пулга бўлмаган ҳарид маблағини қайтариб олиш ишончини оширади. Бу ишонч ҳисоб-китоб технологияси асосида пластик карталаридан фойдаланиш орқали қурилган.

Хизмат ва маҳсулотларнинг нақд пулсиз тўловининг яна бир асосий қисми пул ўтказмаси қатнашчилари орасида тузилади. Банклар орасидаги тўловлар учун қафил БТТ «Ўзкарт» ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар, одатда, акцептсиз (яъни қатнашчиларнинг махсус рухсатсиз) банклар томонидан БТТ «Ўзкарт» ҳисоб банкида очилган махсус ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

БТТ «Ўзкарт» нинг қатнашиши ва қафолати ёрдамида маблағ миждоз ҳисобидан савдо ташкилоти ҳисобига ўтказилади.



17-расм. Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси.¹⁷

Расмдан кўришиб турибдики БТТ «Ўзкарт» орқали жисмоний шахслар йилдан-йилга кенг фойдаланишмоқда. 2005 йилдан то 2015 йилга қадар ҳар йил ўтказилган тўловлар суммаси деярли 3 баробар кўпайиб борган. 2015 йили 32324 млрд. сўмни ташкил этиб 2011 йилга нисбатан 3 марта кўпдир. Бу аҳолининг ушбу тўлов тизимига ишонч ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, жумладан, пластик карточкалар орқали тўловларни ўтказиш тизимини такомиллаштиришга банк тизими фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилди ва бу борада сезиларли ишлар қилинди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари, www.cbu.uz

III-BOB. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди.

Банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йил давомида муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2 баробардан зиёдга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 16,3 млн. донадан ортиқни ташкил этди (3-диаграмма).

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183 минг донадан ошди (4-диаграмма).

Шунингдек, жойларда тўловларни узлуксиз қабул қилишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 2 345 тага етди.

2015 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 31,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 37,6 фоизга ошди (5-диаграмма).

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб ўтди. Икки поғонали банк тизими пайдо булди. Тижорат банкларининг шахобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши банклар

ўртасидаги муносабатларнинг кўпайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати туғилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов ҳужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, хатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Бундан ташқари, ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилган эди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги тўловлар тизимини жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 18 мартдаги 146-сонли «Банк тизимини ривожлантириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш чоратадбирлари» ҳақидаги қарорида банклараро ҳисоб-китобларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Улар куйидагилардир:

1. Компьютер марказларини жорий этиш;
2. Электрон почта тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. Ҳисоб ишларини автоматлаштириш;
4. Ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишнинг олдини олиш;
5. Ноқонуний авизо-огоҳномаларни расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

Кўпгина тижорат банкларида банкнинг ҳисоб ишларини механизациялаш даражаси жуда паст эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро ҳисоб-китобларни электрон почта тизими орқали ташкил этишга қарор қилди. Электрон почта орқали тўловлар тизимининг техник жиҳатдан ўрнатишнинг унча қиммат эмаслиги, қисқа муддатда тадбир этилиши, кадрларни тез муддатларда уқитилиши янги тизимнинг жорий этилишини тезлаштирди. Дастлаб тажриба ўтказилди. 1994 йилнинг июль-октябрь ойларида Марказий банк томонидан программа ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 1-октябридан эътиборан электрон почта тизимидан тажриба сифатида фойдаланила бошланди. Тажриба давомида уни ишлатиш

бўйича узгаришлар киритилди. Дастлаб тўловларни 2-4 кун ичида ўтказилишга эришилди.

Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида 1995 йил бошидан бошлаб ҳар бир вилоят Марказий банк қошида ҳудудий ҳисоб марказларини ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир райондаги илгари фаолият кўрсатиб келган клиринг марказлари ёпилиб, уларнинг фаолияти тўхтатилди. Шу муносабат билан оддий почта авизолари бекор қилинди. Республика ичидаги барча ҳисоб-китоблар узоғи билан икки кун ичида ўтказилиши белгилаб берилди. Шу тариқа электрон тўловлар тизими жорий этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдавлат тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида 15-20 дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди. Бир ҳудуд, яъни вилоят ичида эса тўловлар 3-5 дақиқа ичида якунланади.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банкларидир. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари, ахборотлаш марказлари ва ҳисоб - китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Шундай қилиб, электрон тўлов тизими оддий почта-телеграф тизимидан бутунлай фарқ қилади. Буни электрон тўлов тизимининг қатор афзалликлари орқали яққолроқ кўриш мумкин.

Электрон тўловлар тизимининг ижобий томонлари¹⁸

№	Асосий кўрсаткичлар	Электрон тўлов тизими	Почта-телеграф Тизими
1	Тўлов муддати	Бир неча дақиқа	2 - 7 кун (баъзан ундан кўпроқ)
2	Ишловчилар сони Тошкент шаҳар ХҚМ	7	20
3	Йиллик баланснинг ёпилиши	Жорий йилнинг 31 декабрь куни	Келаси йилнинг март-апрель ойлари
4	Ноқонуний ўзлаштиришдан ҳимоя	<ul style="list-style-type: none"> • тармоқ • протоколҳимояси; • пароль ҳимояси; • - узатиладиган файлларнинг шифрланиши; • шловчи ходимлар малакаси. 	Ходимлар малакаси
5	Архивлаштириш	- электрон архивлаштириш	Папкадаги қоғоз ҳужжатлар кўринишидаги архив

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики банклараро тўловларни амалага ошириш вақти анча қисқарган, яъни 2-7 кунда бир неча дақиқагача (3-15 дақиқагача), тўловларни амалга оширишда хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 20 кишидан 7 кишига камайган, шунингдек банк учун ҳам, миллий иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланган банк балансини ёпилиш вақти йил тугаган захоти, жорий йилнинг 31 декабрида ёпилиши электрон тўлов тизимининг катта аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Республика Марказий банки билан жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабрь ойида тузилган шартномага мувофиқ Республика Молия соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратилган. Бу лойиха беш йўналишга бўлиниб амалга оширилмоқда. Бу йўналишларнинг бири «Ўзбекистон молия соҳасининг ахборот тизимини такомиллаштириш» бўлиб, у ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

1. Тўлов тизимини такомиллаштириш;

¹⁸ Наврўзова К.,Ортиқов О.Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.2005й

2. Бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;
3. Банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;
4. Ахборот тизимининг муҳофазасини яратиш.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан охириги 10 йилда бир қатор ишлар қилинди. Бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди ва амалиётга татбиқ қилинди. Жаҳон банки маслақатчилари ва экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюришганда барча банкларнинг ягона вакиллик ҳисобварағига ва ягона балансга ўтишлари лозимлиги белгилаб берилди.

Маълумки, йирик масштабдаги банклар ресурсларини бита ҳисобрақамга тез йиғиши ва бу раҳамдан катта даромад келтирувчи йирик лойиҳаларни молиялаштириш анча қийинчилик туғдиради. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви ва Янги технологияларнинг ривожланиши ссуда капиталининг банклараро бозорда сотилиши ва сотиб олиниши илгаригига нисбатан анча тезроқ амалга оширишни талаб қила бошлади. Йирик банклар Япониядаги биржалар ёпилганда, Европа ва А.Ш биржалари фаолияти учун 1 соатдан 12 соатгача бўлган кредитлардан фойдаланиши, бундан ташқари трансмиллий банклар учун бир давлатдан иккинчи давлатга овернайт кредитларини амалга ошириш учун катта пул маблағларини тез кўчириш имконини берувчи технологиялар бош банкда ягона бухгалтерия баланси, ягона вакиллик раҳами тизимига ўтишга ундади.

Тижорат банкларининг илк бор ягона вакиллик ҳисобрақамларига ўтиши «Федуайр»^{*} тизими мультикорпорацион ва трансмиллий банкларининг ягона вакиллик раҳамлари тизимига ўтиш тавсиясига кўра АҚШда амалга оширилди.

Республикамиз тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобрақамларига ўтиши билан эса мазкур масалалар янада жадаллашди.

^{*} Федуайр тизими АҚШнинг Федерал резерв тизимида иштирокчи банклар учун кутиш ёки четга қўйиш режимида эмас, реал вақт режимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.

Шунинг учун жаҳон тажрибасини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади ва банк ликвидлигини бошқариш со.асида амалий билимлар тизими ҳамда йиқилган тажриба таҳлиллари ва хулосаларини самарали қўллаш имконини беради. Ягона вакиллик ҳисобраҳами орқали бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, йирик тижорат банклари бўлимлари ўзларининг вакиллик ҳисобраҳамларини бош банкда очадилар ва бош банк орқали амалга оширадилар. Ушбу тизимнинг бир қанча устунлик ва қулайлик томонлари мавжуд.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими (бундан кейинги ўринларда тизим деб юритилади) банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ҳамда банк операцияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди.

Тизимнинг асосий вазифалари:

мижозни аутентификация қилиш;

электрон тўлов ҳужжатларини киритиш;

электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва уларни банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатиш;

ахборот хабарларини қабул қилиш - узатиш;

ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақлар, электрон тўлов ҳужжатлари, киритилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриш ва чоп этиш.


Тизимдан фойдаланиш ва тизим хизматлари учун ҳақ миқдори банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Мижоз ва банкнинг алоқа каналлари орқали ахборот алмашинуви шартномада кўрсатилган вақтда амалга оширилади.

Мижоз янги амалиёт кунида ишни бошлашдан олдин, ўзининг шахсий ҳисобварағидаги аввалги амалиёт куни учун айланма ва қолдиқларини текшириши керак. Айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда мижоз электрон тўлов ҳужжатларини киритишни бошлаши мумкин, акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабабларини аниқлаши шарт.

Мижоз ва банк ўртасида ахборот сўровлари ва хабарлари алмашинуви шахсий депозит ҳисобварақлардаги айланма ва қолдиқларни текшириш натижаларидан қатъи назар, амалга оширилади.

Мижоз Тизимда қуйида келтирилган чизмага мувофиқ ишлайди.



18-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизим схемаси¹⁹

Мижоз Тизимда тўловларни тўловчи сифатида амалга оширишда фақат тўлов топшириқномаларини қўллаши мумкин. Бундан ташқари, солиқ органлари бевосита тўловчининг банкига электрон кўринишда инкассо топшириқларини қўйиши мумкин.

Тизим орқали телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига миждоз томонидан бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун банк билан миждоз ўртасидаги шартномада тўловчи - миждознинг аниқ идентификация маълумотлари (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқалар) кўрсатилиши лозим.

¹⁹ Муаллиф томонидан тузилди

Мижоз топшириғи бўйича тизим орқали учинчи шахсларнинг тўловларини амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Мижозларнинг сўровлари автоматик тарзда қайта ишланади. Барча ўзгартиришлар, шу жумладан, миждларнинг тизимга кириш ва чиқиш вақтлари банк ахборот тизимида қайд қилинади ҳамда электрон баённома тузилади.

Тизим орқали юборилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари банкка тақдим қилинмайди ва миждда сақланади. Бунда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилишининг тўғрилиги, уларнинг электрон ва қоғоз кўринишлари мувофиқлиги бўйича жавобгарлик миждга юклатилади.

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2013 йил 1 январ ҳолатга 108496 тани ташкил этди. 2011 йил 1 январга нисбатан 5 баравар кўпдир.

14-расм маълумотларига эътибор берсак интернет-банкнинг ва банк-мижд тизимидан фойдаланувчилар сони барқарор равишда кўпайиб борган, SMS-банкнинг ва мобил банкнинг фойдаланувчилари барқарор равишда кўпаймаган бўлсада 2013 йил 1 январ ҳолатга 69326 тани ташкил этиб интернет-банкнинг ва банк-мижд тизимидан фойдаланувчиларидан анча кўп.

Хулоса қилиб айтганда замонавий тўлов технологиялардан фойдаланиш Ўзбекистонда тез суръатлар билан ривожланмоқда.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири ҳисобланувчи банклар тизими ва тўлов муносабатлар доимо ўзоро боғлиқ шаклда ривожланиб келган.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Республикада банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.

Сўнгги йилларда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш воситаларидан бири бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш тизими жадал ривожлантирилмоқда.

Ҳукумат қарорларига асосан, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар тизимига оид жиҳозларни импорт қилишда божхона имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг бу борадаги фаолиятларини янада рағбатлантирди.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди.

Банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йил давомида муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2 баробардан зиёдга ошди. ва 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 16,3 млн. донадан ортиқни ташкил этди

Тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисоб-рақами технологиясига ўтиши билан банкнинг ички тузилиши ҳам, норматив ва ҳисоботлари ҳам тубдан ўзгарди. Бу тизимнинг яна шундай хусусияти мавжудки, бунда Марказий Банк учун пул муомаласини тартибга солишда ва иқтисодиётда пул массасини бошқаришда маълум қулайлик ва имкониятларни юзага чиқаради.

Республика ҳудудларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

– Электрон тўлов тизимининг шаклланиши вилоятларда банкларни замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланишини талаб қилмоқда. Бу борада ушбу банкларни техникавий ривожлантириш масалаларига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир;

– Янги банк хизматларидан фойдаланиш ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш лозим. Яъни “Банк-мижоз”, интернет хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ушбу муносабат миллий иқтисодиётдаги нақдсиз пул айланишини тезлашишига ва банклараро тўловлар тизимини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

– Банкларнинг ягона вакиллик ҳисоб рақамига ўтиши муносабати билан улар ўртасидаги банклараро тўловларни таъминланишини Марказий банк томонидан назоратини кучайтириш зарур.

– Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз-ҳисоб китобларни ривожлантириш мақсадида уларни нақд пул билан ва терминаллар билан тўлиқ таъминлаши юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. .

Бизнингча, назарий ва амалий тадқиқотларимиз натижасида чиқарган хулоса ва таклифларимиздан Ўзбекистон ҳудуди нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1992 йил
2. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й.
3. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.1996 й.
5. «Банк сирини тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й.
6. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4058
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2007 йил 7 ноябрь, ПҚ-726-сон
10. «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.04.2005 й. № ПҚ-57.
11. «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўловундириш тартиби

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 7-сон Қарори.

12. «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 04.02.2003 й. №63.

13. «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 05.08.2002 й. №280.

14. «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 22.06.2001 й. №264.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2015 йилларда респуб-лика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438- сонли Қарори.

16. «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида» Низоми. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон Қарори.

17. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозит сертификатлари тўғрисида»ги Низоми. 2008 йил 23 сентябрь №1858.

18. «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми (Янги таҳрирда). 2000 йил 26 апрель, №420.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома, 1834-сон, 11.07.2008 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” 578-сон, 17.07.2004 й.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги Низом. 2002 йил 15 январ.

22. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т. Ўзбекистон. 2005 й.

23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т: Ўзбекистон. 2009 й.

24. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон. 2009й.

25. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон. 2013й.

26. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон. 2014й.

27. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон. 2015й.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2016 йил 17 январ.

29. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010-йил, -532 бет.115-б.

30. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – Б. 124-187.

31. Абдуллаева Ш.З., Қуллиев И.Я. “Банк иши фанидан чизма услубий қўлланма” Т.: “Иқтисод-молия” 2007й. 123 б.
32. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2000. – 312 б.
33. Батракова Л.Г. Экономико-статистический анализ кредитных операций коммерческого банка. -М.: Логос, 2008. -216 с.
34. Банки и банковские операции: Учебник. / Под ред. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 1997. – 387 с.
35. Банковское дело: Учебник / Под ред. В.И.Колесникова. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 789 с.
36. Жарковская Е.П. Банковское дело. -М.: Омега-Л, 2006. -452 с.
37. Лаврушин О.И. Банковские риски. -М.: КноРус, 2008. -232 с.
38. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. -М.: КноРус, 2008. -560 с.
39. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. –Москва: Издательство Консалтбанкир, 2003 г. -279 с.
40. Қоралиев Т., Ортиқов У. Банк ресурсларини бошқариш.- Монография. 2009 йил. - 123 б.
41. Наврўзова К.,Ортиқов О.Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.2005й
42. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. и.ф.н.. дисс. автореферати. -Т., 2008. -20 б.
43. Шоғиёсов Т., Ҳакимов Б. “Молиявий таҳлил” Ўқув қўлланма. Т- 2010 й.
44. Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2. – Б. 24-25.
45. Ортиқов О. Банклараро рақобат шароитида кредит сиёсати. // Бозор пул ва кредит. №6, 2006. 8-10 бет.
46. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси. Капиталга нисбатан белгиланган минимал талаблар (Базель II), 2003 йил апрель.
47. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари.

48. Интернет сайтлари

<http://www.cbu.uz/>

<http://www.worldbank.org/>

<http://www.ebrd.org/>

<http://www.federalreserve.gov/>

<http://www.review.uz/>

<http://www.finam.ru/dictionary.>

<http://www.cbr.ru>

<http://www.bank.uz>

<http://www.gov.uz/>

<http://www.cer.uz>

<http://www.bankinfo.uz>

<http://www.klerk.ru/bank/>

<http://www.imf.org>

<http://www.bahkir.ru>